

**БИЛИМ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ**

2-саҳифада



**ШАМОЛГА ҚАРШИ УЧАЁТГАН ВАРРАК**

3-саҳифада



**ЗАБТ ЭТИЛМАГАН ЧЎҚҚИ**

4-саҳифада

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

# YOSHLAR OVOZI

№21 (16326)

2019-YIL 16-MART, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz | yoshlarovozi@umail.uz | @Yoshlarovozi

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ "ҲУМО АРЕНА" СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель жаноблари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни Наврўз байрами арафасида, гўзал баҳор кунларида Ўзбекистон заминида самимий қутлайман. Барчангизга чуқур ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоя мамнунман.

Бугун пойтахтимиз марказида ишга туширилаётган замонавий спорт кошонаси — "Ҳумо арена"га ташриф буюриб, қувончимизга шерик бўлаётганингиз учун сизларга катта раҳмат!

Ушбу тантанали маросимда иштирок этаётган жаҳон спорти юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарларига қарата айтмоқчиман:

Хуш келибсиз, меҳмондўст Ўзбекистон заминига!

Азиз дўстлар!

Бугун биз юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз. **Ва бу йўлда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.**

Шу маънода, биз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шуғулланадиганлар сони икки баробар кўпайди.

Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадиий гимнастика, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистонда шаклланган мактаблар бутун дунёда маълуму машҳурдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, дунё ва қитъа чемпионатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биз 2030 йилда Ўзбекистонда ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз спортчиларимиз қишки спорт ўйинлари, жумладан, энг қизиқарли бўлган фигурали учиш, хоккей, тоғ-чанғи спорти, фристайл, сноуборд ва бошқа спорт турлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига интилмоқдамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

FESTIVAL

## ФАРҒОНА: тарихий дўстлик ва ишончли ҳамкорлик

Фарғонада Тожикистоннинг Сўғд, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятлари ҳамда Андижон ва Наманган ёшларини бирлаштирган Фарғона халқаро ёшлар фестивали якунига етди.



### МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Фестиваль доирасида Фарғона давлат университетида "Биз келажакни биргаликда бунёд этамиз!" шиори остида ёш олимларнинг инновацион ғоялари, тадбиркор ва ҳунарманд ёшлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг кўргазмаси ўтказилди. Қадим шаҳарлар кўрки, мамлакатимизнинг экологик табиатига ҳамоҳанг тарзда қўл меҳнати билан яратилган ҳунармандчилик ва кулолчилик маҳсулотлари иштирокчиларни ҳайратга солди.

— Фарғонада биринчи бор бўлишим, — дейди қадамжойлик Досмамат Султонов. — Бундан жуда хурсандман. Ўзим ҳам уста-шогирд анъанаси билан овулимизда уй-рўзғор буюмларини қўлда ясаш ва уларни сотиш билан шуғулланаман. Ростини айтсам, фарғоналик тенгдошларим бўш вақтини беҳуда ўтказмасдан ҳунар ўрганаётганини кўриб қувондим.



### ҲАМ САЁҲАТ...

Дўстлик анжумани давомида иштирокчилар вилоятнинг туристик салоҳияти ва тарихий обидалари билан яқиндан танишди.

Жумладан, вилоят Ўлкашунослик музейи уларда катта таассурот уйғотди. Миллийлигимиз рамзи бўлган сумалак сайли эса, барчага бирдек манзур бўлди. Меҳмонлар дошқозон атрофида сумалакдан татиб кўрди.



Шунингдек, иштирокчилар Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар боғида шоирнинг уй-музейи ва истеъдод мактабига ташриф буюрди.

— Фарғона — Ўзбекистоннинг ўзига хос ва бетакрор шаҳри ҳисобланади, — дейди қирғизистонлик Кудайберди улу Жоомарт. — Бу дурдона шаҳар ҳақида кўп эшитгандим. Фарғонага келиш, тенгдошларим билан суҳбатлашиш ниятида эдим. Бугун нафақат шаҳарнинг гўзал ва сўлим табиатидан баҳраманд бўлдим, балки ўзбек адабиёти ва санъатида етакчи ўрин тутган Водий санъаткорлари ва адиблари ҳақидаги тасаввурим янада кенгайди.

Ҳунармандлар марказига уюштирилган саёҳатдан сўнг Ислом Каримов номидаги санъат саройида "Хазон бўлган гул" номли спекталь намойиш этилди. Глобал муаммоларни қамраб олган саҳна кўриниши ёшларни диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиб, бундай иллатлар таъсирига тушиб қолмасликка чорлаши билан аҳамиятлидир.

Шундан сўнг фестиваль иштирокчилари тантанали кузатилди. Икки кун давом этган мазкур тадбир қўшни давлатлар билан дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга замин яратди.

### Иштирокчиларнинг таассуротлари қандай?

**Нодирабегим ЎСАРЗОДА, тожикистонлик хонанда:**

*— Фарғона санъатига ихлосим баланд. Таваккал Қодировни ўзимга устоз деб биламан. Миллий қўшиқларимиз қаторида ўзбек ашулаларини ҳам мароқ билан жонли ижро этаман. Бу менга қувонч ва завқ бағишлайди. Фестивалда устознинг кўплаб дурдона қўшиқларини куйладим.*

**Гулшайир САДДИБАҚҚАСОВА, Қирғизистон халқ артисти:**

*— Ўзбекистонга қадам қўярканмиз, бунёдкорлик ишлари ва обод масканлардан кўнглимиз ёришди. Бундай жаннатмакон диёрда яшаган навқирон авлоднинг қалбида ватанпарварлик туйғулари жўш уриши аниқ. Тинчлик-осойишталик ҳукмрон мамлакатдагина илдам ривожланиш бўлади. Бу каби фестиваллар эса, ёшларни бирлаштиради.*

**Сара ОРОЗБЕКОВА (Қирғизистон):**

*— Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ҳамда қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданий ва диний қадриятларимиз, анъанаю урф-одатларимиз муштарак. Ҳар бир соҳада дўстлик ришталарининг мустаҳкамланиб бораётгани, албатта, тинчликни қадрлашга ундайди.*

**Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби**

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ



Янги йирик саноат иншоотлари, туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг довруғини оширмоқда. Юртимизга хорижий сармоядорлар манфаатли ва ишончли безнес макони, чет эллик туристлар бокира гўзаллик тимсоли ва тарихнинг бетакрор гувоҳи сифатида қараяпти.

Экспертлар эса буларнинг барчаси қаторида Ўзбекистон бунёдкорлик ўлкасига айланганини ҳам таъкидлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

ESHITDINGIZMI?

## ЯПОНИЯГА ТУШДИ ЙЎЛЛАРИ

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари кунчиқар мамлакатда истиқомат қилаётган ёш ватандошларимиз билан учрашди.

Ташриф доирасида Токио ва Нагоя шаҳарларида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон туризм брендини Японияда фаол тарғиб қилиш юзасидан фикр алмашилди.

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси Акмал Бурҳоновнинг қайд этишича, чет элда ўқиётган ёки ишлаётган ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш жуда муҳим. Бу, бир ҳисобдан, турли соҳалар бўйича хорижий давлатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш имконини берса, бошқа томондан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни жаҳон узра тарғиб этиш учун жуда қулайдир.

Қувонарлиси, хориждаги ватандошлар юртимиз ижобий имижини яратиш бўйича ўзлари ҳам янги ғоя ва ташаббусларни



илгари сурмоқда. Қарангки, Японияда ана шундай жонкуяр тендошларимиз оз эмас. Учрашувлар давомида улар Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини намойиш этишга қаратилган маданий тадбирлар уюштириш, она тилимиз, тарихимиз ва қадриятларимизни оммалаштириш мақсадида Маданият ва маърифат марказини ташкил этиш каби таклифларни берди.

**Роҳатой ҚОДИРОВА**

## ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ КЎРГАЗМАСИ

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "EDU-EXPO" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро таълим кўргазмаси иш бошлади.

Кўргазмада Англия, Австралия, АҚШ, Канада, Хитой, Малайзия, Германия ва бошқа Европа давлатларининг 30 дан ортиқ университетлари, Тошкент шаҳрида жойлашган халқаро университетларнинг филиаллари ва ўқув марказлари иштирок этмоқда.

— Хорижда ўқиш истагида бўлган аксарият ёшлар интернетда турли университетлар тавсиясига дуч келади, — дейди "EDU-EXPO" корхонаси халқаро бўлим менежери Насиба Раупова. — Танлов кўплигидан ёшлар қайси бир ўқув юртини танлашни билолмай қолади. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — хориж университетларида таҳсил олиш истагида бўлган ёшларга яқиндан кўмак бериш, яъни университет вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишга имконият яратиш. Биз хорижий университетларни жалб этишда халқаро рейтингда кучли мингталикка кирганларини танлаб олдик, боиси уларнинг дипломлари мамлакатимизда нострификациясиз тан олинади. Талабалар қизиқиши ҳам ҳисобга олинди ва келгусида кўргазма ҳар йили икки мартадан ўтказилади. Кўргазмага талабаларнинг ота-оналари ҳам келиб, маълумот олишлари мумкин.

Уч кун давом этиши режалаштирилган мазкур кўргазманинг сўнгги куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

**Инобат АҲАТОВА,**
**ЎзА мухбири**

FORUM

## 33 НАФАРИГА ТАВСИЯНОМА НАҚД



Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган "Биз келажакка ишонамиз" шиори остидаги ёшлар форумида ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган вояга етмаган ўғил-қизлар иштирок этди.

Лойиҳа доирасида профилактика нозирлари ва психологлар уч гуруҳга бўлиниб, ёшлар билан яккама-якка суҳбат олиб борди. Уларнинг ижодий ва фикрлаш қобилияти синовдан ўтказилди. Ота-оналар билан мулоқот чоғида эса, боланинг спорт билан шуғулланишига имконият яратиш, унга меҳр кўрсатиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Форум давомида иштирокчилар вилоят марказидаги Жасорат боғи ва ҳарбий қисмлар фаолияти билан танишди. Шунингдек, Миллий гвардия ҳарбийларининг, кўргазмали чиқишлари ҳамда ёшлар театр труппаси томонидан намойиш этилган спектакль уларда ўзгача таассурот қолдирди.

Якунда 33 нафар ёшга профилактик ҳисобдан чиқариш бўйича тавсиянома берилди.

**Дилшод АТАМУРАТОВ,**
**Сумбулой НУРМЕТОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ “ҲУМО АРЕНА” СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ Тошкентда “Юбилейний” муз спорти саройи, “Бинокор” хоккей жамоаси, Тошкент вилоятида тоғ-чанғи трассаси мавжуд бўлган.

Бизнинг бу борада эришган ютуқларимиз орасида фристайл бўйича қишки Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатида қўлга киритилган олтин медаллар, фигурали учиш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришилган 70 дан зиёд медаллар борлигини таъкидлаш лозим.

**Биз спорт соҳасидаги ана шундай шонли анъаналарни давом эттиришни ўз бурчимиз деб биламиз.**

Ўтган йили мамлакатимизда тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Бу йил февраль ойида шайбали хоккей бўйича биринчи бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон спортчилари яқинда Красноярскда ўтказилган Бутунжаҳон қишки универсиадасида илк бор иштирок этди.

Ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради, десак, ўйлайманки, муболаға бўлмайди.

Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморий ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра ноёбдир. Биз ҳамкорларимиз — етакчи компанияларнинг энг сўнгги ишланмаларини жалб этишга ҳаракат қилдик.

Ишончим комилки, “Ҳумо арена” юксак малакали спортчиларни тайёрлаш ва Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш ва энг асосийси — ёшларимизни қишки спорт турларига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Бундай мажмуа ва марказларни биз келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этамиз.

Шу муносабат билан бугунги тадбирда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз — машҳур спортчи ва мураббийлар — дунё спорти юлдузларига мурожаат қилиб, айтмоқчиман: **биз сизнинг қўллаб-қувватлашингиз, билим ва маҳоратингиз, улкан профессионал тажрибангизга ишонамиз.**

Қадрли дўстлар!

Бизнинг пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб турган, сизларнинг иштирокингизда фойдаланишга топширилаётган бу замонавий спорт саройи ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки амалий натижасидир.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, барча халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу ноёб комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзунинг амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзуни ҳақиқатга айлантирган, қисқа муддатда шундай улуғвор мажмуани барпо этган лойиҳачи, меъмор, қурувчи, ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа — “Ҳумо арена” спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзбекистонга бир келган киши иккинчи сафар унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этаётгани ҳам ҳақиқат. Ўзимиздан қиёс — қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз рост. Янги қад ростлаган бинолар эски тасаввурдаги мўлжални бузиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, умумэътироф этилаётган иқтисодий ютуқлар, мутлақо янги асосдаги самарали ташқи сиёсат баробарида бунёдкорлик ҳам Ўзбекистон ҳақида тилга олинаётган гаплар, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг бош мавзусига айланган.

Бунинг негизида халқимизга хос янгиланишга интилиш ҳисси, атрофдаги манзарани гўзаллик билан бойитиш фазилати, айни пайтда катта ишларга қўл ура олиш журъати мужассамдир.

Тошкент марказида энг замонавий стандартларга тўла мос келадиган муз спорти саройи барпо этилгани бу фикрнинг инкор этиб бўлмас ёрқин далилидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль куни «Ҳумо Арена» мажмуасига рамзий тош қўйиш маросимида қатнашиб, бу каби замонавий спорт иншоотлари баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари ушбу беқиёс бунёдкорлик жараёни билан бир неча бор танишиб, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.



Мана, меъмордан боғбонгача, конструктордан ҳайдовчигача, муҳандисми ё кранчими, хуллас, бу улкан ишда қатнашган барча-барчанинг фидокорона меҳнати, халқимизнинг буюк журъати натижасида бугун бош шаҳримиз бўлган Тошкентимиз, бутун Ўзбекистонимиз шундай жавоҳирга эга бўлди.

Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувида бунёд этилган ушбу мажмуа дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз қилаётган бахт ва ҳурлик рамзи — Ҳумо қуши шаклида барпо этилди.

15 март куни ушбу муҳташам спорт кошонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барчани ушбу қутлуғ воқеа билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислоҳотларда соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросими спорт мухлислари ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Маросимнинг бош ғояси санъат ва спортни биргаликда уйғунлаштиришдан иборат бўлди.

Очилиш маросими спортчи ва санъаткорлар ҳамкорлигида тайёрланган шоу дастур билан давом этди. Муз майдони сатҳида 3D мэппинг технологияси асосида Ҳумо қуши, бу ерда ўтказиладиган спорт турлари тасвири намойиш этилди. Спортчи-ёшлар ва болалар кўргазмали чиқишлар қилди. Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ва машҳур хоккейчилар ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

“Ҳумо Арена” замонавий муз саройининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради.

Қайд этиш керакки, кўп тармоқли “Ҳумо Арена” муз саройи дунёга машҳур ўндан ортиқ хорижий фирма ва компания билан ҳамкорликда барпо этилди.

Мажмуанинг концептуал лойиҳаси Жанубий Кореянинг “Heerim Architects & Planners” компанияси, том қисмининг лойиҳаси Австриянинг “Oberhofer Stahlbau” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Умуман, иншоотни қуриш ва жиҳозлашда Германия, Буюк Британия, АҚШ, Испания, Италия, Бельгия, Франция, Финляндия, Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологиялардан фойдаланилган.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ муз ареналари жой олган. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд нуқтаси 40 метр.

Мобиль ўриндиқлар билан жиҳозланган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бошқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилган муз саройида турли тадбирлар ўтказиш мумкин. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигурали учиш, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо баҳсларини ўтказиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш учун барча шароит муҳайё.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнғинни ўчириш, совутиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иситиш қурилмалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, тежамкор технологиялар асосида ишлайди.

Қисқача айтганда, ушбу иншоот Ўзбекистон халқи фаровонлиги, тараққиёт ва ривожланиш йўлида янги саҳифа очилгани рамзидир.

Маросимда Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель, дунёга машҳур спортчи ва санъаткорлар иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

JAMOATCHILIK NAZORATI

# “МАРДИКОР” БОЛАЛАР ВА “ҚОЧОҚ” ЎҚУВЧИЛАР

**Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган “БАРЧАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГДА!” шиори остидаги тарғибот декадасида улар таҳлилий ўрганилди.**



Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ушбу лойиҳа жамиятимизда фарзандлар тарбияси учун масъулиятни ҳамма ҳам бирдек ҳис қилмаётганини кўрсатди. Иттифоқ фаоллари, Миллий гвардия ва ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда олиб борилган рейд тадбирларининг айрим тафсилотларини Жиззах вилояти мисолида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Жиззах шаҳридаги “Эски шаҳар” деҳқон бозори жуда гавжум жой. Унинг атрофида кўпдан буён “мардикор бозори” фаолият кўрсатади. Ишчи гуруҳи аъзолари, биринчи галда, ана шу ҳудудни тафтиш қилди.

Дарс вақти бўлишига қарамай, ризқ топиш мақсадида кўчага чиққан юртдошларимиз орасида Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжойи академик лицейининг икки нафар ўқувчиси ҳам борлиги бизни ажаблантирди. Наҳотки, ўша навrasталарнинг ота-онаси фарзанди нима иш билан шуғулланиб юрганини билмаса?! Лицей маъмурияти-чи? Хуллас, ҳар икки томонга ҳам аниқланган ҳолат бўйича хабар берилиб, масъул шахслардан тушунтириш хатлари олинди.

Шароф Рашидов туманидаги 6-умумтаълим мактабида ҳам аҳвол чатоқ. Нимқоронғи хоналарда дарс ўтилмоқда. Чунки кўпгина синфларда чироқлар куйган. Бундай шароитда ёшларнинг кўзи ишдан чиқиши турган гап! Эсиз-а, эсиз...

Йўл-йўлакай 21-умумтаълим мактабига кириб ўтдик. Яна таъбни хира қиладиган ҳолат. Бошланғич синфлар учун ажратилган хоналардаги электр симлари техник хавфсизлик талабларига жавоб бермайди. Юқори синфларда эса, давомат масаласи суст. Бу-ку биз кўриб илғаган нарсалар. Бироқ кўрмаганларимиз қанча!

Энди эътиборни Бахмал туманига кўчирсак. Мазкур ҳудудда 79 та умумтаълим мактаби ҳамда 10 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Барчасида умумий ҳисобда салкам 35 минг нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

1- ва 3-умумтаълим мактабларида ўтказилган “Давомат рейди” чоғида ўғил-қизларнинг бир фоизи сабабсиз дарс қолдиргани аниқланган бўлса, Бахмал қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бу кўрсаткич нақ 25 фоизни ташкил қилгани ростмана ҳайратланарли ҳолат. Вазиятнинг шу даражага етишига йўл қўйиб берган ким?! Муҳими, шунча қоракўз куни бўйи вақтини қаерда ўтказади? Саволга аниқ жавоб йўқ. Ҳарқалай ўқиб билим олиш ўрнига компьютер ўйинларидан завқланишни маъқул кўрувчи 3 нафар “азамат”ни якка тартибдаги тадбиркорларга тегишли бўлган интернет клубидан топдик. Хулосани ўзингиз чиқараверинг-да энди.

Компьютер ўйинларини қўятурайлик, аммо дарсдан қочиб, ўзини глобал ўргимчак тўри — интернет кучоғига отаётган ёшларимиз турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмайди, деб ким кафолат беради? Кўпинча шундай бўляпти ҳам!

Шу каби “кўринмас хатар”ларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот декадаси доирасида Бахмал ижтимоий-иқтисодий ва педагогика касб-ҳунар коллежида Ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларига диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, мутаассиблик, прозелетизм, миссионерлик мавзуларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

Дўстлик туманидаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказида эса, Жиззах давлат педагогика институтининг малакали психолог ўқитувчилари таълим муассасаларида ишлайдиган ҳамкасблари учун маҳорат дарсини ўтди.

Яна давомат масаласига қайтсак. Дўстликдаги 14-умумтаълим мактабидамиз. Ўрганишлар пайтида ўқувчилар контингентининг 15 фоизи дарсда йўқлиги маълум бўлди.



2-мактабга ҳам бош суқиб кўрдик. Вақт тушдан ўтган. Одатда бу пайтда тўгараклар ўз фаолиятини бошлайди. Аммо биз кирган масканда дарсдан кейинги машғулотлар ўтилмайди ҳисоб. Ёшлар мактаб яқинидаги компьютер ўйингоҳига талпинишининг сабаби шудир, эҳтимол. Улардан бири — 8-синф ўқувчиси Баҳром Исроиловга (исм-фамилияси ўзгартирилган) рўпара келдик. Йигитнинг сўзларига қараганда, у дарсдан кейин дўстларим билан стадионда футбол ўйнайман, деб отасидан пул олган, бироқ аслида бор маблағини компьютер ўйинларига совурган. Мазкур ҳолат юзасидан бебош ўғилнинг отаси сўроққа тортилиб, у билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Яна бир бебош дўстимиз Дўстлик тиббиёт коллежида ўқийди. Аниқроғи, дарсга бормай “ўқийди”. Али Ҳакимов (исм-фамилияси ўзгартирилган)ни ҳам компьютер ўйинлари шайдоси, десак адашмаймиз. Профилактика нозири билан суҳбат чоғида у ёлғон гапириб, исми ҳамда фамилияси, ҳатто ўқиш жойини нотўғри айтган. Бу ҳам етмаганидек, ташқарига бирров чиқиб келишни баҳона қилиб, воқеа жойидан қочиб кетган. Милиция ва Миллий гвардия ходимлари “уддабурон” йигитнинг уйига борганида, онаси фарзандининг қилмишидан уялиш ўрнига: “Боламнинг тарбияси учун фақат мен масъулманми?! Ўқитувчилари ҳам кўз-қулоқ бўлсин-да”, — дея эътироз билдиргани ҳаммасидан ошиб тушди. Нима ҳам дердик, айбни бировга ағдаришга устомон бундай ота-оналардан жамиятимиз сира наф кўрмаслиги аниқ.

**Элдор НАВРЎЗОВ.**
***Муаллиф олган сурат.***

ANJUMAN

# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

14 март — Бутунжаҳон буйрак куни муносабати билан пойтахтимизда нефрологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган биринчи халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт олий ўқув юрти вакиллари, Германия, Буюк Британия, Россия, Туркия ва Украина каби давлатлардан келган соҳа мутахассислари иштирок этди.



Анжуманда нефрология, гемодиализ хизмати, буйрак трансплантациясининг долзарб муаммоларига ечим топиш, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, амбулатор тиббий ёрдамни такомиллаштириш мавзуларида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, айни пайтда юртимизда икки минг олти юз нафарга яқин буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги бемор бор. Яқин кунларгача уларни даволашда замонавий усуллардан тўла фойдаланилмаётган эди. Юртбошимизнинг 2018 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини яратди.

Мазкур қарор асосида Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган нефралогия ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилгани ҳам соҳада туб ўзгаришлар юз бераётганидан дарак беради.

— Жаҳон тажрибасини ўрганиб, уни амалиётга тадбиқ этяпмиз, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Улуғбек Йўлдошев. — Масалан, гемодиализ бўйича бир марталик фильтрларни жорий этдик. Бу даволаш сифатини оширишга хизмат қилади. Мазкур фильтрдан қонни тозалашда фойдаланилади. Республика ихтисослаштирилган нефралогия ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази хориж давлатлари билан шартнома асосида тажриба алмашиш муҳитини яратган.

Бундан ташқари, марказимиз ҳафта давомида 4-5 нафар беморга буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини бажаришни мақсад қилган. Бу эса гемодиализ муолажасини олаётганлар сонини қисқартириш, эҳтиёжмандларга тезкорлик билан ёрдам беришга замин яратади.

**Бунёджон ЗАЙНУТДИНОВ,**
**Зулфизар ҒАНИЕВА**

SHU SONGA XABAR

# ИБРАТХОНАГА МАРҲАМАТ!



21-27 март кунлари Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси томонидан юртимиз бўйлаб “Театр томошалари ҳафталиги” лойиҳаси ўтказилади.

27 март — Халқаро театр куни олдидан бўлиб ўтадиган ҳафталикда республикамизнинг барча театрларида спектакллар томошабинларга бепул тақдим этилади.

Шунингдек, уларнинг маданий ҳордиқ олиши учун ижодкорлар билан учрашувлар, турли кўргазмалар ташкил этилади.

**Гулшода РЎЗИҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси мутахассиси**

# ШАМОЛГА ҚАРШИ УЧАЁТГАН ВАРРАК

**2030 йилгача Ўзбекистон инновацион ривожланиш бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторидан жой олишни кўзлаган. Масофа олис, лекин вақт оз қолди. Улгурамизми? Маррага етиш учун қандай тезликда ҳаракатланиш керак? Асосий “атлетлар”имиз ким? Улар ишончлими? Бир-бирини қўллаб-қувватлайдими? Муҳими, қадамлари нечоғлик шахдам?.. Келажакка назар солиб кўришга нима дейсиз, дўстим?**



**Абдужаббор АБДУВОҲИДОВ,**
***Президент маслаҳатчиси:***

**“Таълим ва илм-фанда орқада қолдик. Аксарият ёш мутахассислар билими саёзлиги туфайли ҳатто ички меҳнат бозорида ўз ўрнини тополмаяпти”.**



**Зафар ҲОШИМОВ,**
***“Korzinka.uz” супермаркетлар тармоғи раҳбари:***

**“Муаммомизни ҳал қилиб бера оладиган дастурчиларни Ўзбекистонда топа олмадим. Катта пул эвазига чет эл мутахассисларини ёллашга тўғри келди”.**



Форсайт. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг шундай ном остида ўтган анжумани доирасида пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари, йирик бизнес тузилмалар раҳбарлари, тадқиқотчи-олимлар, мустақил экспертлар юртимиз олий таълим тизими ва иқтисодиётининг ўн йил кейинги истиқболини тасаввур қилиб кўришга уринди.

Лекин жараён шунчаки тахминларга асосланган муҳокамаю фикр алмашувларидан иборат бўлгани йўқ. Масала анча жиддий қўйилган:



**АЙНИ ЧОҒДА ЎЗБЕКИСТОН ЭЛИТАСИДАН ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИГА ЭРИШИШ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ҲАМДА ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУАММОЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ТАКЛИФЛАР КУТИЛМОҚДА.**



**Комилжон КАРИМОВ,**
***Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети ректори:***

**“Талабаларга эскича усулда дарс ўтилаверса, ўқув дастурлари халқаро талаблар асосида янгиланмаса, ишонинг, ёшларимиз рақобатбардош кадр бўлолмайди”.**

Бу ишда бир ёқламалик натижа бермайди. Муайян томоннинг позицияси ҳал қилувчи бўлиб қолмаслиги ҳам керак. Ахир, ҳамманинг ўзига яраша қараши бор, ҳар кимнинг қаричи бошқа. Хуллас, ғалвирни сувдан кўтариш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳукумат, олий таълим ва хусусий сектор вакилларини бир стол атрофида жамлашга қарор қилди.

### ЯГОНА ЕЧИМ — ИННОВАЦИЯЛАР!

Форсайт учрашуви Давлат бошқаруви академиясида ташкил қилинди. Асосий муҳокамаларга ўтишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидовга сўз берилди.

— Юртбошимизнинг сиёсий иродаси туфайли бугун барча жабҳаларда сезиларли ўзгаришларни кўряпмиз, — таъкидлади Президент маслаҳатчиси. — Бир қарашда, улар жуда тез суръатда рўй бермоқда. Лекин аслида кўзланган натижага эришиш учун ислоҳотлар шиддатини камида тўрт бараварга ошириш зарур. Эътибор беринг, охирги йилларда Ўзбекистон тадбиркорлик соҳасида анча юксалди. Жаҳон бозорига чиқаётган компанияларимиз бор. Лекин, минг афсуски, таълим ва илм-фанда орқада қолдик. Олий ўқув юртларини тамомлаётган аксарият ёшлар халқаро майдонда рақобатлашиш тугул, ҳатто ички меҳнат бозорида ўз ўрнини тополмаяпти. Чунки билими саёз, мутахассислигини яхши эгалламаган. Муаммонинг ягона ечими — инновациялар!

— Талабаларни дастлабки курсданоқ тадқиқот ишларига жалб қилиш керак, — давом этди А.Абдувоҳидов. — Мана шундагина улар инновацион фикрлашга одатланади ва ўзлари ҳам янгиликлар ярата бошлайди. Ҳозир бутун дунёда университетларга илмий муассаса сифатида қаралмоқда. Кўпчилиги нафақат сифатли таълим беради, балки талаба ва профессор-ўқитувчиларининг ихтироларидан пул ишлайди. Бундай механизмни бизда ҳам жорий қилиш вақти келди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Узоқбой Бегимқулов ўз чиқишида университетларимиз илмий салоҳияти ортаётганига урғу берди. Амалдаги кўрсаткич 34,5 фоизни ташкил қилмоқда.

— Сўнгги икки йилда илк бор ўсиш суръати кузатилган, — деди У.Бегимқулов. — Бироқ, умуман олганда, вазият қониқарсизлигича қолмоқда. Ахир, дунё саҳнида илмий салоҳияти 70-90 фоизгача етадиган илғор давлатлар бор. Олий таълимни инновацион платформага олиб чиқиш қанчалик катта ирода, куч ва маблағни талаб қилмасин, шу йўлдан юришимиз шарт!

### СУПЕРМАРКЕТГА МАТЕМАТИКЛАР НЕГА КЕРАК?

Панель муҳокамани бошқариб борган Одилжон Абдураззоқов (Инновацион ривожланиш вазирлиги) экспертлар орасидан биринчи бўлиб “Korzinka.uz” супермаркетлар тармоғи раҳбари Зафар Ҳошимовга юзланди. 2030 йилга бориб инсоният ҳаётида сунъий интеллектнинг роли қандай бўлиши тўғрисидаги саволга тадбиркор қуйидагича жавоб берди:

— Ер юзида касб ва мутахассисликлар трансформацияси юз бермоқда.

**ИЛГАРИ ОДАМЛАР ТЎРТ ЙИЛ ЎҚИБ, ЎТТИЗ ЙИЛ ИШЛАГАН БЎЛСА, ЭНДИ УНИВЕРСИТЕТДА ОЛИНГАН БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ТЎРТ ЙИЛГА ҲАМ ЕТМАЯПТИ.**

Бу дунёнинг шиддат билан ўзгараётганидан далолатдир.

Компаниямизда рақамли технологияларни 2011 йилдан татбиқ эта бошладик. Дўкон ва мижозларимиз сони кўпайгани сайин (ҳар куни 100-150 минг харидорга хизмат кўрсатилади!) катта ҳажмдаги ахборотларни тезкор ва бехато таҳлил қилишга зарурат туғилди. Бусиз қайси маҳсулотга қандай талаб борлигини аниқлаш, муваффақиятли маркетинг сиёсатини юритиш, шу жумладан, чўнтагингизга зиён қилмайдиган даражада чегирмалар тақдим этишнинг имкони йўқ.

Очиғи, ўша пайтда муаммомизни ҳал қилиб бера оладиган дастурчиларни Ўзбекистонда шунча излаб ҳам топа олмадим. Катта пул эвазига чет эл мутахассисларини ёллашга тўғри келди. Мен олий таълим тизимимиз ёмон, демоқчи эмасман. Лекин инновацияларга эҳтиёж жуда юқори бўлган ҳозирги даврда талабаларга фақат муайян фанларни чуқур ўргатиш камлик қилади. Ёшлар ўз билимини инновацияга айлантириши, бошқача айтганда, тижоратлаштира олиши керак! Ўшанда бундан бизнес ҳам наф кўради.

Мисол келтираман. Супермаркет расталарида маҳсулотлар мураккаб алгоритм асосида жойлаштирилади. Бу масалани ечиш учун Ўзбекистон Миллий университетидан математикларни таклиф қиламиз. Лекин улар қўйилган вазифага академик тарзда ёндашади. Натижада ечимни амалиётда қўллаш учун яна қўшимча вақт ва куч сарфлашингиз керак. Назаримда, олимлар ва бизнес битта тилда гаплашса, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида муаммолар юзага келмайди.

### ҲИСОБЧИ ВА ҲУҚУҚШУНОСЛАР ОРТИҚЧА

Сунъий интеллектнинг ўсиб бораётган имкониятлари ҳақида форсайт муҳокамада хорижий эксперт сифатида иштирок этган “Coca-Cola” компаниясининг Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон бўйича ҳудудий менежери Шадаб Хон ҳам тўхталди.

— Бир неча ўн йилликлар аввал “Coca-Cola” ичимлигини тайёрлашда 80 кишининг меҳнатидан фойдаланилган, — деди у. — Энди эса, бор-йўғи 7 нафар ходимга эҳтиёж бор. Чунки ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди. Ҳадемай бизга ҳисобчилар ҳам керак бўлмай қолади. Сабаби уларнинг ишини компьютер бажара оляпти. Келгусида компаниялар молиячи ва ҳуқуқшунослар хизматидан воз кечса ҳам ажабланмайман. Мана сизга инновацияларнинг кучи!

Ишончим комилки, бундан буён савдо соҳасида сунъий интеллектнинг ўрни тобора ортиб бораверади, — қайд этди Шадаб Хон. — Чунки у тадбиркорларга мислсиз фойда келтирмоқда. Масалан, ҳозир махсус дастурлар ёрдамида маҳсулотимиз қаерда, ким томонидан ва қанча миқдорда сотиб олинаётганини бир зумда аниқлаш мумкин. Яъни, биз харидорлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла оляпмиз. Сўнгги йигирма йил ичида эришган энг катта ютуғимиз ҳам шу.

Тўғри, сунъий интеллект муайян соҳаларни меҳнат бозоридан сиқиб чиқармоқда. Бу жараённи тўхтатиб бўлмайди. Лекин

### КОМПЬЮТЕР КРЕАТИВ ФИКРЛАЙДИГАН ИНСОНГА БАС КЕЛОЛМАСЛИГИ АНИҚ!

Олий таълим муассасалари қайси соҳада мутахассис тайёрламасин, биринчи галда, талабаларда ностандарт фикрлаш кўникмасини шакллантиришга эътибор қаратиши зарур.

Меҳмоннинг фикрига Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети ректори Комилжон Каримов ҳам қўшилди:

— Юз йил олдин атомобиллар конвейер усулида ишлаб чиқарила бошланганида минглаб одамлар ишсиз қолиши тахмин қилинганди, — таъкидлади К.Каримов. — Лекин ундай бўлмади. Чунки янги соҳалар юзага келмоқда. Ҳатто ўша сунъий интеллект ортида ҳам инсон турганини унутмаслик даркор. Бироқ энди бизга креатив мутахассислар керак. Университетлар олдида турган энг катта масала ҳам шу. Талабаларга эскича усулда дарс ўтилаверса, ўқув дастурлари халқаро талаблар асосида янгиланмаса, ишонинг, ёшларимиз рақобатбардош кадр бўлолмайди.





**Шадаб ХОН,**
***“Coca-Cola” компаниясининг Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон бўйича ҳудудий менежери:***

**“Ҳадемай компаниялар ҳисобчи, молиячи ва ҳуқуқшунослар хизматидан воз кечса ажабланмайман. Сабаби, ҳозир уларнинг ишини компьютерлар бемалол уддалай оляпти”.**



**Асқарали КАРИМОВ,**
***“Буюк келажак” эксперти (АҚШ, Техас):***

**“Ўзбекистондаги ҳеч бир олий таълим муассасаси илмий ишланмаларини тижоратлаштириш билан шуғулланмайди. Фикримча, уларда технологиялар трансфери марказларини очиш зарур”.**

### ИЛМ-ФАНГА БИЗНЕСМЕН ҲАМ ҲОМИЙЛИК ҚИЛСИН

Шу орада “Буюк келажак” халқаро экспертлар кенгаши аъзоси Асқарали Каримовга ҳам сўз берилди. Ёш олим ҳозирда Техас штатида фаолият олиб бормоқда. Тошкент билан у видеоконференцалоқа тизими орқали уланди.

— Мен ишлаётган A&M университетида 70 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда, — дейди хориждаги ватандошимиз. — Инновацияларни сотиш бўйича олийгоҳ Америкада еттинчи ўринда туради. Университетда технологиялар трансфери маркази ташкил қилинган. Ушбу муассаса талаба ёки профессор-ўқитувчилар яратган илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланади. Ҳозирнинг ўзида 700 дан зиёд патент бўйича лицензия келишувларига эришилган. Бундан университет мислсиз даромад кўрмоқда. Афсуски, Ўзбекистондаги ҳеч бир олий таълим муассасаси илмий ишланмаларини тижоратлаштириш билан шуғулланмайди. Технологиялар трансфери офисларини бизда ҳам очиш зарур.

Яна бир гап. АҚШда кўплаб бизнесменлар илм-фанга ҳомийлик қилади. Бу анъана A&M университетида ҳам бор. Катта-катта молиявий ташкилотлар, компания ёки корпорациялар томонидан бутун бошли илмий лабораториялар қуриб берилганини биламан. Нега бу ишни бизда қилиш мумкин эмас?! Ахир, саховатпеша тадбиркорлар Ўзбекистонда ҳам топилади-ку. Улар хайрия маблағларининг бир қисмини олий ўқув юртларига йўналтирса, катта савобга қолади.

Форсайт муҳокамасида Тошкент давлат техника университети ректори Садриддин Туробжонов ҳам фаол иштирок этди. Унинг мулоҳазаларига қулоқ тутайлик.

— Ўтган асрнинг 70-80-йилларида талабаларга фақат асбоб-ускуналар ҳақида умумий тушунча берилган. Кейинчалик технологик тизим ўргатила бошланди. Мана, энди ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бўйича кадрлар тайёрлаб чиқаряпмиз. Жорий ўқув йилида ТДТУга илк бор интеллектуал муҳандислик тизимлари таълим йўналиши бўйича абитуриентлар қабул қилинди. Бу мутлақо янги соҳа бўлиб, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ.

Дунё меҳнат бозорида талаб ўзгаряпти. Масалан, ҳозир мамлакатимиз олий ўқув юртларида транспорт логистикаси деган мутахассислик бор. Лекин боя ҳурматли тадбиркорларимиз савдо соҳасида сунъий интеллектнинг роли ортиб бораётгани ҳақида асосли фикрлар билдирди. Демак, яқин истиқболда Ўзбекистонда савдо логистикаси бўйича ҳам мутахассисларга эҳтиёж туғилади. Мана шундай ўзгаришларга тайёр турмасак, ривожланишимиз қийин.

***

Панель сессиядан сўнг — куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар ўн иккита гуруҳга бўлиниб, муҳокамани тор доирада давом эттирди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, олий ўқув юртларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, иқтидорли талабалар ҳамда бизнес субъектлари форсайт контекстидаги муаммоларга биргаликда ечим излашга ҳаракат қилди. Якунда ҳар бир гуруҳ ўз ишининг натижалари бўйича қисқача тақдимот тайёрлади.

Қайд этиш керак, олинган барча таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилган ҳолда ҳукуматга тақдим этилади. Улар асосида юртимиз олий таълим тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича истиқболли режалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

**P.S.: Ўз даврининг забардаст сиёсатшуносларидан бири Уинстон Черчилль: “Варрак шамолга қарши учса, юксалади”, — деган эди. Бугун Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёт сари интилишини шамолга қарши ҳаракатга қиёслаш мумкин. Шамол қаршилигини енгиш осон эмас, аммо инновациялар бунга имкон беради!**

**Наргиза УМАРОВА**

MUALLIFGA MAKTUB

# ZABT ETILMAGAN CHO‘QQI

**Aslida maktub qog‘oz va qalamda yoziladi. Men esa, aksincha kompyuter qarshisiga o‘tirdim. Niyatim — ko‘p yozib varaq sathini to‘ldirish emas, muhim bir gapni aytish.**




Janob London, “Martin Iden”ni ikki marta o‘qib chiqdim. Birinchi daf’a mutolaani juda tez yakunladim. O‘shanda talaba edim.

Muhaqqaq kitob o‘qishga bel bog‘lagan chog‘larim. O‘zimcha hayot mohiyatini izlardim (esimni taniganimdan beri shunday). Tiyrak xayolim hayot puchmoqlarini bitta qoldirmay aylanib chiqishga shoshardi.

Nazarimda, Martin bilan oramizda qandaydir o‘xshashlik bordek, vujud o‘zga bo‘lgani bilan yurak bittadek edi. Ko‘zlarimiz bir nuqtaga qadalgan, maqsad yagona: eng yuksak cho‘qqi — muhabbatga erishish!

Martin muhabbat bilan uchrashganda endi yigirma bir yoshni qarshilagan edi (asarni ilk bor mutolaa qilayotganimda shu yoshda edim!). U hayotning nima ekani-yu, qanday bo‘lishini hali bilmasdi. Bilgan haqiqati shu ediki, jamiyat ikkiga ajralgandi: zodagonlar va kambag‘allar. U muhabbatni tanigunga qadar o‘zini ikkinchi tabaqa vakili sanardi. Pastdan cho‘qqiga soatlab tikilib turish mumkin, biroq qalbda uni zabt etishdek ulkan maqsad bo‘y cho‘zsa harakatsiz o‘tirishning iloji yo‘q.

Martin cho‘qqini zabt etish azmida o‘zidagi jamiki yomon illatlardan voz kechdi. Chunki angladi, chirkin muhitda go‘zallik nafas ololmaydi. Negaki, endi unga aynan mana shu kuch hayot nomli katta osmon ostida yashash uchun umid berardi.

Ha, u chindan ham endi yashay boshlagandi. Kamroq uxlab, ko‘proq kitob o‘qishga tutindi. Dunyo ilmlaridan boxabar bo‘lgani sari tiriklik va yashash orasidagi farqni mushohada qila boshladi. Mushohadalari uni hech qachon yoniga-da yaqinlashib bo‘lmaydigan zodagonlar doirasiga olib kirdi. U endi bir pog‘ona ko‘tarildi. Demak, u cho‘qqini zabt etadi. Martin barcha mashaqqat hali oldinda ekanini sezib turardi. U tanlagan yo‘l ko‘ra-bila turib o‘zni yonib turgan o‘tga otishdek gap edi. Biroq qo‘rqmadi. U endi oddiy kema matrosidan alpinistga aylangandi.

Insoniyat uchun abadiyat qonuni o‘zgarmasligini, baxtning qo‘rg‘oni yolg‘iz yurak ekanini yaxshi bilamiz. Baxt zamiridagi inja tuyg‘ularni payqamay baqo olamiga ketayotganlarga qarab achinaman. Men Rufni ana shunday kimsalar safida qoldirishni istamasdim. Chunki u ulkan qalb egasi — Martinning eng yuksak cho‘qqisi. Biroq burjuaziya ruhida tarbiya topayotgan qiz oshiq yigitning diliga nazar soladigan darajada balandda emas. Ruf ismli malikaga yetishish yerdan turib oyga qo‘l cho‘zishdek gap.

Yo‘q, Martinning irodasi-yu sabrini alqash niyatida emasman, bu yo‘lda qilgan mehnatiga oddiy odam tob berolmasligini aytmoqchiman, xolos. Umuman, kimnidir maqtashni ham, meni maqtaganni ham juda yomon ko‘raman. Bilmadim, nega shunday. Ehtimol, maqtov menga katta to‘siqdek tuyulgani uchundir. Shu sabab, Martinni alqamayman, ardoqlayman. Uni “Qaynar buloq” kirxonasiga yuborganingizda ham ko‘zlangan cho‘qqiga narvon bo‘lgan kitoblarini yelkalab oldi. Biroq muttasil ishlash tinka-madorini quritar, o‘zi bilan shu yergacha olib kelgan kitoblarini hatto varaqlashga ham kuch topolmay qoldi. Shunday bo‘lsa-da, Martin muzaffariyat uchun yanada ko‘proq ter to‘kishi lozim ekanini allaqachon anglagandi. Uning kirxonada kechgan damlaridan shuni tushundimki, hayot po‘rtanalari hali uni bo‘ysundirolmaydi.

Bilasizmi, Martin men uchun allaqachon jonli shaxsga aylanib ulgurgan. Uning qalbida ertangi porloq istiqbol uchun katta umid, yuragida ta’rifi yo‘q go‘zallik yashardi. U yolg‘iz Rufdangina ishonch va sabr so‘radi. Shuncha mashaqqatlardan so‘ng ham Martinning shijoati ruhi va vujudini tark etmaganini ko‘rib, men ham Rufdan unga ishoch bildirib, kutishini iltimos qildim. Lekin, afsuski, Ruf ikkimizga ham inonmadi. Asarni o‘qiganim sari kitob varaqlari kamayib borar, fursati yetib, mustahkam saboti uchun uni taqdirlashingizni bilardim. Biroq bu yo‘sin emas.

Men kutgan mukofot o‘lim bo‘lishi mumkin emasdi. Mutolaa nihoyasiga yetgach, xayollarim bilan ancha vaqt mubohasa qildim. Nihoyat, siz Martin uchun tanlagan taqdir yo‘li to‘g‘ri degan fikrda to‘xtadim. Sababini bilasiz, Martin cho‘qqini zabt etganida hayotga bo‘lgan ishtiyoqi-yu qaynoq tuyg‘ulari allaqachon so‘nib, sovib bo‘lgandi. Yuqoridan turib pastga qarar ekan, aslida avvaldan shu nuqtada mavjudligi, u havas qilib talpingan olam o‘zidan-da tubanda bo‘lganini anglab qoldi.

Endi u go‘zallik qotillari bilan bir osmon ostida nafas ololmasdi.

Yo‘q, Martin joniga qasd qilmadi, u qattol jamiyatning navbatdagi qurboni bo‘ldi. Aytmoqchi bo‘lgan gapim shu ediki, Martin o‘lmagan. U mening vujudimda Martin Iden bo‘lib emas, Umida bo‘lib yashashda davom etmoqda.

**Umida SAYLIYEVA**




YOSHLIK ILHOMI

# Ba’zan

*(yig‘iq hikoya)*



Ba’zan kichik shaharlarda ham katta voqealar sodir bo‘lib turadi.

Markaziy shoh ko‘chalardan biri. Shaharni qoq ikkiga bo‘lib anhor oqmoqda, avvalgiday emas-u, har qalay o‘ziga yarasha haybati bor.

Ko‘cha gavjum. Tush vaqti, kun issiq. Bir payt tumonat odam g‘ayrioddiy hodisaga guvoh bo‘ldi. Anhor ko‘prigi panjarasiga bir yigit chiqib olib, ust-boshi bilan suvga sakrashga chog‘landi. Kim bilsin, shu qarorga kelguncha boshidan nimalar o‘tgan.

“Yo‘q, yo‘q, bunday qilish kerak emas!” — hayqirdi birov. Kimdir tarashadek qotib qolgan, boshqa birov yordam berishga shaylangan o‘zicha.

Ko‘z ochib yumguncha, yigitning panjaradan uzilgan oyoqlari qaytib panjaraga qo‘ndi. U yo‘lakchaga sakrab tushdi-da, hech narsa bo‘lmagandek ust-boshi va qo‘llarini qoqqancha yo‘liga ravona bo‘ldi.

**SHIRIN**

IZHOR

# SHABNAMDAGI NUR

Bahor tongi. Quyoshning ilk nurlariga o‘zini ko‘z-ko‘z qilayotgan shabnam to‘lishib borar va yanada yorqinroq ranglarda tovlanadi. Beg‘ubor ko‘ngil eshiklaridan unga termular ekansiz, oftobga to‘yingan mehrni ko‘rgandek bo‘lasiz...

Mehr. Ona mehri. Aslida mohiyat mehvarida jilvalanayotgan, biz unchalik ham e’tibor qilavermaydigan xilqat — dunyoga harorat baxsh etayotgan nur, qanchadan-qancha balo-qazolardan asrab kelayotgan qalqon emasmikan? Ayol vujudida aks etgan bu fazilat o‘ziga xos ulug‘vorlik va nafislik bilan ruhingizga singib boradi. Olamga boshqacha nazar ila boqishga, ezgulik shohsupasi sari odimlashga chorlaydi. Bu harorat azal-azaldan iste’dodlar ijodiga ilhom, tafakkur karvoniga sarbon bo‘lgan.



Biror inson yo‘qki, onani bolalik xotiralari sahnasida asosiy qahramon qilib qo‘ymagan bo‘lsin. Hukmdorlardan tortib, oddiy bir faqir uchun ham ona mehri birdek suyukli.

Ona tasavvur kengliklari uzra bir nigoh, bir mehr, bir panohdir... Shunday xayollar yuragimdan o‘tar ekan, onajonimning quyosh taftli mehrida yana isinish hissidan hayajonga tushaman!

...Yaproqdan uzilgan shabnam yerga tomdi. Yer bir qalqib tushdi. Uning bag‘rida yashirinib yotgan, mehrga tashna kurtaklar g‘alayon boshladi, quyoshga talpindi. Yaproqda esa, yana sanoqsiz shabnamlar ulg‘ayardi. Bunday mo‘jizali yasharish pallasida insoniyat uchun mehr timsoli bo‘lmish onalarimizni ardoqlash, duosini olish — baxt, eng ulug‘ BAXT!

**Akmal TOSHEV**

HAYOT HAQIQATI

# SOG‘INCH

**U o‘zi yuradigan yo‘lni chamalab ko‘rdi. Ravon, bemalol yursa bo‘ladi, hech kim xalaqit bermaydi. Lekin yo‘lning yarmiga kelganda zerikdi.**

Qattiq ovozdan cho‘kib ketib, bu marraga yeta olmagan yo‘ldoshlarini esladi... Va qo‘lini soyabon qilib pastga qaradi. “Bechoralar hali ham so‘qmoqdan boryapti. Yonimga chaqirib, ko‘ngillarida nelar borligini bilib olay, keyin yana “Ana so‘qmoqlaringiz”, — deya yo‘lni ko‘rsatib yuboraman”, deb o‘yladi. Shu fikrdan quvonib ketdi-yu, hushtak chaldi.

So‘qmoqdagilar tovushni elas-elas eshitib, gumonsirab qaradi. Uning qo‘l siltayotganini ko‘rib, bir-biriga “Boramizmi?”— degan savol nazari bilan qaradi. “Mayli”, — dedi kattasi. O‘rtancha va Kichkina Kattaning izidan yo‘lga tushdi.

Yetib borganlarida U mashinaning eshigini ochib poylab turgandi. Keyin: “Manfaat manziligacha birga boramizmi?” — deb so‘radi.

So‘qmoqdagilar bosh irg‘ab, mashinaga chiqib oldi. Bu iltifotdan xursand bo‘lganini, U bilan o‘tkazilgan uchrashuvlar zavqi hali ham ko‘ngillarini to‘lqinlantirib turishini aytdi.

Bu qisqa diydorlashuvdan U o‘zi kutganidan-da ziyoda narsani oldi va yo‘lda ketayotib: “Mana, qaranglar, bu yo‘ldan butun olam kaftdek namoyon. Men tufayli yo‘lga ham chiqib oldingiz. Atrofdagilar men tufayli sizlarni ham olqishlayapti”, — dedi. Bundan yana ham quvongan so‘qmoqchilar: “Ta’rifingizni keltirishga til ojiz! — dedi-yu, Uni ko‘kka ko‘tarib haligi bekatga yetmasdanoq tushib ketdi.

So‘qmoqchilar o‘z hududlariga bo‘linib ketdi. Faqat bu holatdan juda xijolat bo‘lib, taqdir bichgan ko‘ylak egniga juda tor kelgani tufayli uni yirtib yuborgan Kichkina alamidan yig‘lab yubordi.

U o‘zi istagan olam hali-beri derazadan ko‘rinmasligiga ishonch hosil qildi-da, darchani yopib qo‘ydi.

**Munavvara YUSUPOVA,**
**O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a’zosi**

# uzeltexsanoat

## yoshlarga tirgak

**“O‘zeltexsanoat” uyushmasi tarkibiga kiruvchi korxonalarda 6 ming 311 nafar yosh xodim mehnat qilmoqda. Ularni har jihatdan qo‘llab-quvvatlash maqsadida yetakchilar kengashi tashkil qilingan. Kengash faollarining tashabbusi bilan ko‘plab loyihalar amalga oshirilyapti.**



Masalan, ko‘ngilli yoshlardan patronaj guruhi shakllantirilib, korxona tizimida uzoq yil ishlagan o‘n nafar mehnat faxriysiga hurmat-ehtirom namunasi sifatida esdalik sovg‘alar topshirildi. Bu xayrli ish davom etmoqda.

Shu bilan birga, texnik sohalarga qiziquvchi yoshlarning iqtidorini namoyon qilish maqsadida o‘tgan yili Toshkent shahridagi Turin politexnika universiteti hamda radiotexnika va avtomatlashtirish kolleji bilan hamkorlikda “Yosh ixtirochilar” respublika yarmarkasi, Kasaba uyushmalari federatsiyasi kengashi bilan esa, “Yilning eng yosh elektrotexnigi” tanlovi tashkil etildi.




Tanlovda “O‘zkabel” aksiyadorlik jamiyati xodimi N.Akramjonovning “Sensorli o‘chirg‘ich” biznes loyihasi 1-o‘ringa sazovor bo‘ldi. Turin politexnika universiteti talabalarining “Texnobot-robot”, “Quyosh batareyali svetofor”, “Kuzatuv kameralari korpusi” deb nomlangan ishlanmalarini amaliyotga joriy etish yuzasidan ham sa’y-harakatlar olib borilmoqda.

Uyushma rahbariyati hamda yetakchilar kengashi raisi ishtirokida oyda bir marta tizim korxonalarida o‘tkaziladigan uchrashuvlar asnosida yoshlarning bugungi o‘y-tashvishlari, yutuq va muammolari aniqlanmoqda.

Qolaversa, “Yoshlar turizmi” loyihasi doirasida Samarqand, Buxoro va Xiva shaharlariga sayo-



hatlar uyushtirilyapti. “Yoshlar kubogi” mini futbol musobaqasi esa, xodimlarning bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazish hamda sportga oshno etishga xizmat qilayotir.

Elektrotexnika tarmog‘i korxonalarida mehnat qilayotgan oilali yosh mutaxassislar, xususan, jismoniy imkoniyati cheklangan yoki



ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlarni ma’naviy va moddiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash, ularga munosib ijtimoiy-maishiy sharoitlar yaratishga katta e’tibor qaratilmoqda. Ba’zilari O‘zbekiston yoshlar ittifoqi tavsiyanomasi asosida imtiyozli kredit hisobiga “Yoshlar uylari”dan xarid qilish imkoniga ega bo‘lyapti.

Kelgusida yosh xodimlar uchun “O‘zkabel”, “Artel”, “O‘zelektroapparat”, “Tashelektroapparat”, “Texnokabel”, “Foton”, “Prokab” singari yirik sanoat korxonalariga tanishuv sayohatlarini tashkil etish ko‘zda tutilgan. Shuningdek, ularning siyosiy jarayonlardagi ishtirokini faollashtirish, saylov qonunchiligidan xabardorligini oshirish maqsadida siyosiy partiyalar vakillari bilan uchrashuvlar tashkil etish, “Men ham deputat bo‘laman” loyihasini amalga oshirish rejalashtirilgan.

t

O‘QING, BU QIZIQ!



**Qimmatbaho toshlar uchun karat o‘lchov birligi qo‘llanilishini ko‘pchilik biladi. Ammo nega?**

**Buning tarixi Qadimgi Sharqqa borib taqaladi. Antik davrda qimmatbaho toshning og‘irligini aniqlashda ceratonia siliqua degan o‘simlik urug‘idan foydalanilgan. Lotin tilidagi “ceratonia” so‘zi “karat” bilan ohangdosh. Uning o‘rtacha og‘irligi esa, 0,2 grammga teng.**



**Ovqatni tayoqchalar bilan iste’mol qilish jarayonida inson qo‘l kaftidagi 40 ta hayotiy muhim nuqtani uqalaydi. Bu esa, sog‘liq uchun koni foyda.**

MUASSIS
O‘ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro‘yxatdan o‘tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY’ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbosova, Ra’no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Irina Kochergina – bosh muharrir o‘rinbosari (“Молодежь Узбекистана”),
Javlon Vafoyev – mas’ul kotib (“Yoshlar ovozi”),
Yelena Kalinina – mas’ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Navbatchi
Boboravshan G‘OZIDDINOV

Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97.
(71) 233-79-69 (faks)

Saytimizga o‘tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41.
Indekslar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-313
Adadi — 22323
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.25
O‘zA yakuni — 00.15
1 3 4 5 6